



## THE ROLE OF THE STATE IN THE DEVELOPMENT OF THE DIGITAL ECONOMY IN OUR COUNTRY

To'rayev Xurshid Baxriddin o'g'li<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Student of Bukhara Engineering and Technology Institute

<https://doi.org/10.5281/zenodo.4768555>

### ARTICLE INFO

Received: 5<sup>th</sup> May 2021  
Accepted: 10<sup>th</sup> May 2021  
Online: 15<sup>th</sup> May 2021

### KEY WORDS

Digital economy, competitive advantage, innovative ideas, technologies, research, institutional environment, human resources and education.

### ABSTRACT

*This article analyzes the digital economy and its specific features, the systems that form its basis, the effective use of digital technologies in the development of the economy and the current aspects of training in this area.*

## ЮРТИМИЗДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ЮКСАЛИШИДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

Тўраев Хуршид Бахриддин ўғли<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Бухоро муҳандислик-технология институти талабаси

### MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 5-May 2021  
Ma'qullandi: 10-May 2021  
Chop etildi: 15-May 2021

### KALIT SO'ZLAR

Рақамли иқтисодиёт, рақобат устунлиги, инновацион зоялар, технологиялар, илмий-тадқиқот, институционал муҳит, кадрлар ва таълим.

Иқтисодий ва технологик тараққиётнинг янги босқичи сифатида намоён бўлаётган рақамли инқилоб инсоният ҳаётини шиддат билан ўзгартириб, кенг имкониятлар яратиш билан бирга, халқаро рақобат майдонининг янада кескинлашув даврини бошлаб бермоқда.

### ANNOTATSIYA

*Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт ва унинг ўзига хос хусусиятлари, унинг асосини ташкил этувчи тизимлари, иқтисодиётни ривожлантиришида рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш ва бу соҳада кадрлар тайёрлашнинг долзарб жиҳатлари таҳлил этилган.*

Мамлакатимизда илм-фанни янада рақамли топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги



Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2020 йилга "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" деб ном бериш таклифи илгари сурилиши том маънода Ўзбекистон ҳаётида глобал тараққиётга ҳамоҳанг равишда тарихий бурилиш даври бошланганини тасдиқлади. Бунинг замирида чуқур маъно ва мазмун мужассамлаштирилган, чунки, илм- фан, маънавият-маърифатга тикилган сармоя буюк келажак учун киритилган инвестициядир.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва технологик ривожланиш шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланишини рақамли иқтисодиётсиз тасаввур қилиш қийин. Тадқиқотлар натижаларига кўра, 2022 йилга келиб глобалЯИМнинг чорак қисми рақамли соҳада бўлишини тахмин қилинмоқда. Лекин, халқаро ахборот коммуникация технологиялари ривожлантириш индекси бўйича Ўзбекистон 170 дан ортиқ давлат ичида 103-ўринни эгаллаб туришининг ўзи мамлакатимизда бу соҳада ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар ва қилиниши лозим бўлган ишлар кўплигидан далолат беради [1].

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропonte "рақамли иқтисодиёт" терминини амалиётга киритди. Сўнгги йилларда ахборотли жамиятга ўтиш, рақамли иқтисодиёт, билимлар иқтисодиёти сингари тушунчаларни изоҳлайдиган илмий ишлар ва ўрганадиган кўплаб илмий адабиётлар

пайдо бўлди. А.А.Динкин, Н.И.Иванова, С.М.Климовнинг ишлари ушбу мавзудаги дастлабки Россия нашрлари сирасига киради [2].

Замонавий иқтисодий ривожланиш назарияси ва амалиётини ишлаб чиқишга мамлакатимиз олимлари орасида М.Пардаев, И.Искандаров, М.Шарифхўжаев, С.Ғуломов, М.Турсунхўжаев, А.Қодиров, Ш.Зайнутдинов, К.Абдурахмонов, Ё.Абдуллаев ва бошқалар иқтисодиётни бошқариш назариясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Асосий илмий-назарий қоидаларни ишлаб чиқишда илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гуруҳлаш, монографик тадқиқ этиш, таққослаш каби илмий тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Умуман олганда, рақамли иқтисодиёт - бу жараёнларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш асосида турли хилдаги ишлаб чиқаришлар, технологиялар, асбоб-ускуналар, товар ва хизматларни сақлаш, сотиш ва етказиб бериш самарадорлигини жиддий равишда оширишга имкон берадиган, рақамликўринишдаги маълумотлар асосий ишлаб чиқариш омили ҳисобланган фаолиятдир.

Турли тадқиқотлар натижалари бўйича рақамли иқтисодиётнинг дунё иқтисодиётидаги салмоғи 4,5 фоиздан 15,5 фоизгачани ташкил этади. Жаҳон ахборот-коммуникация технологиялари секторида яратилаётган қўшилган қийматнинг деярли 40 фоизи ва блокчейн технологиялари билан боғлиқ патентларнинг 75 фоизи Америка Қушма Штатлари ва Хитой Халқ Республикаси ҳиссасига тўғри келади [3].



Мамлакатимиз Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 13 февраль куни ахборот технологияларини ривожлантиришга бағишланган тадбирда келтирган статистик маълумотларига мувофиқ АҚШда рақамли иқтисодиётнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 10,9 фоиз, Хитойда 10 фоиз, Ҳиндистонда 5,5 фоизни ташкил этади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2 фоиздан ҳам ошмайди.

Дунё ҳамжамиятида руй бераётган бундай жадал ўзгаришлар ва рақобатнинг кескинлашуви жараёнида инновациялар ва рақамли технологияларни кенг жорий этмасдан туриб, яқин ва узоқ келажакда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, унинг рақобатдошлигини таъминлай олмаслигимиз аини ҳақиқат бўлиб, бу эса, ўз навбатида, илмий ва амалий ҳаракатларни кучайтиришни талаб этади. Рақамли инфратузилманинг заифлиги ва мамлакатда рақамли кўникмаларнинг етишмаслиги туфайли Ўзбекистонда рақамли айланмалар суст суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида мамлакатда онлайн-савдо ва савдо майдончаларининг етарли даражада эмаслиги қайд этилган.

Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашича, "...юртимиз халқаро ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш индекси бўйича 2019 йилда 8 поғонага кўтарилган бўлса-да, ҳали жуда ҳам орқада. Аксарият вазирлик ва идоралар, корхоналар рақамли технологиялардан мутлақо йироқ, десак, бу ҳам ҳақиқат. Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак,

қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш - келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради. Шу билан бирга, мени жуда каттик ташвишга соладиган ва безовта қиладиган энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам улар самарали воситадир. Буни барчамиз теран англаб олишимиз даркор. Давлат ва жамият бошқаруви, ижтимоий соҳада ҳам рақамли технологияларни кенг жорий этиб, натижадорликни ошириш, бир сўз билан айтганда, одамлар турмушини кескин яхшилаш мумкин".

Ўз ўрнида қайд этиб ўтиш лозимки, мамлакатимиз ҳаётида рақамли иқтисодиётнинг айрим элементлари аллақачон муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, ҳужжатлар ва коммуникацияларнинг оммавий равишда рақамли воситаларга ўтказилишини ҳисобга олиб, электрон имзога рухсат бериш, давлат билан мулоқот қилиш ҳам электрон платформаларга ўтказилмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инсоният тараққиётининг ҳозирги даври ва яқин истиқболида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг сифат жиҳатдан ривожланиши рақамли технологияларни кенг жорий этиш билан бевосита боғлиқ бўлиб бормоқда. Мамлакатимиз тараққиётининг истиқболи ҳам рақамли иқтисодиёт ривожланиши ва рақамли технологияларнинг қамров даражасига таянади. Бунга эришиш учун рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг қуйидаги асосий шартлари ва устувор йўналишларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқ:



- рақамли технологиялар барқарор фаолият кўрсатиши учун институционал муҳит ва рақамли инфратузилмани яратиш, давлат хизматларини кўрсатиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошқа соҳаларда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини ривожланган мамлакатлар даражасида интернет глобал тармоғига уланиш имкониятлари билан имкон қадар тўлиқ қоплашни босқичма-босқич таъминлаш;

- кадрлар тайёрлаш кўламини кенгайтириш ва бу йўналишлар бўйича чуқур билимга эга малакали дастурчилар ва инженер-техник ходимларни етиштириш, таълим тизимининг барча босқичларида халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган замонавий ахборот технологияларини ўқитиш, шу жумладан, хорижий ҳамкорларимиз билан биргаликда "1 миллион дастурчи" лойиҳасини муваффақиятли амалга ошириш;

- рақамли иқтисодиёт соҳасида илмий-назарий базани мустаҳкамлаш ва бу соҳада "Рақамли ишонч" жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланган ҳолда илмий фаолиятни кўллаб-қувватлаш;

- аҳолининг кенг қатламлари ўртасида "рақамли саводхонлик"ни тарғиб

қилиш ва кенгайтириш, уларни ахборот технологияларини ўзлаштиришга жалб қилиш мақсадида ўқув юртларида семинар, курслар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;

- рақамли иқтисодиёт соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, шунингдек, "старт" тушунчаси, фаолияти, венчур фондлари орқали уларни молиялаштиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

- рақамли иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган меҳнат бозорини ташкил этиш ва унинг мобиллигини ошириш, янги технологияларни тезкорлик билан ўзлаштириш учун мутахассислар малакасини ошириб бориш;

- рақамли иқтисодиёт соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, етакчи халқаро технологик компаниялар билан ўзаро ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш.

Ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ечими, қўйилган вазибаларни бажариш, ривожланиш стратегиясининг ҳар бир йўналишини самарали амалга ошириш юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ва уларни сифатли натижалар берадиган даражадаги меҳнатини рағбатлантиришни, замон талабига мос янгича ёндашув ва дунёқарашни шакллантиришни талаб қилади.



**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24 январь 2020 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3-июлдаги "Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-3832-сонли қарори.
3. Такеучи Х. Компания - создатель знания. Зарождение и развитие инноваций в японских фирмах/ Пер. с англ.-М.: ЗАО "Олимп - Бизнес", 2003; Формирование общества, основанного на знаниях. Новые задачи высшей школы/ Из-во "Весь мир", 2003.
4. С.С. Гулямов, Р. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, "Иқтисод-Молия" нашриёти, 2019., 32 б.
5. Балтабаева Г.Р., Аюпов Р.Х. Кичик бизнес ва тадбиркорликда инновацион ривожланиш йўналишлари. –Т: «Фан ва технология» нашриёти, 2018, 232 бет.
6. <http://blockchain.community> – Россиянинг блокчейн жамияти.
7. <http://ru.newsbtc.com>– Биткоин ва блокчейн янгиликлари.